

Вақтини совурганлар икки дунё ноз-неъматларидан маҳрум бўлишади (Иккинчи мақола)



16:00 / 23.07.2019 2083

Кераксиз сўзга кетган вақт ҳақида

Эй, кун-у тунини майда гапга, Жазоловчининг буйруқларига хилоф ишларга, гуноҳу маишатга сарфлаган банда! Фурсат сенга айтади: «Эй, Одам боласи, мени яхшиликларга сарфлагин. Аллоҳга қасамки, ўтиб кетсам, қайтиб келмайман».

Салафи солиҳлар вақтдан самарали фойдаланишда ўрнак бўлганлар. Рабеъ ибн Хайсам бир ҳафта гапларини ёзиб юрар, шанба кечаси ўзларини ҳисоб-китоб қилардилар. Лаа илааҳа иллаллоҳ, у зот умматнинг бугунги аҳволини кўрса, нима дер эдилар?!

Вақтнинг қадрига етган одам уни фойдасиз нарсага сарфламайди. Чунки Аллоҳ таолонинг зикрини қўйиб, кераксиз гап-сўзлар билан машғул бўлган одам гавҳарни қўйиб, тезакни олган билан баробардир. Бу эса умрни бекор ўтказишдир.

Уйқунинг кўпига сарфланган вақт ҳақида

Солиҳлардан бири нафсига шундай деган эди: «Эй нафс, мунча ухлайсан? Аллоҳга қасам, қабрда узоқ ухлайсан».

Умр эвазсиз ва бебаҳо неъмат эканлиги ҳақида

Ибн Атоуллоҳ Сакандарий раҳматуллоҳи алайҳи айтадилар: «Умрингдан ўтганининг эвази йўқдир. Ундан сен учун ҳосил бўлган нарсанинг баҳоси йўқдир».

Умр неъматини қанчалик аҳамиятли эканини англаб етиш учун билиб қўйишимиз керакки, Расули Акрам алайҳиссаломнинг ҳадиси шарифларида охират бўлиб, қиёмат қоим бўлганида бандадан энг аввал сўроқ-савол қилинадиган нарсаларнинг ичида умр неъматини бордир.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

“Қиёмат куни Одам боласининг қадами Робби азда ва жалланинг ҳузуридан то У Зот ундан беш нарса ҳақида сўрамагунча узилмас: умридан, уни нимага сарфлагани ҳақида; ёшлигидан, уни нимада ўтказгани ҳақида; молидан, уни қаердан касб қилди-ю, нимага инфоқ қилгани ҳақида ва илмига қандай амал қилгани ҳақида”».

Термизий ва Табароний ривоят қилишган.

Демак, қиёматда бандадан, албатта, умри ҳақида сўралади. Умри ҳақида сўралганда, уни нимага сарфлагани ҳақида сўралади. Бинобарин, сиз билан биз қиёмат куни бу азиз умримизнинг ҳар лаҳзаси ҳақида сўралишимиз ҳақдир. Бу савол-жавобдан қочиб қутулиб бўлмайди. Умрининг ҳар лаҳзаси ҳақида сўралар эканлиги, демак, яшаб ўтган ҳар лаҳзамизнинг жавобини беришимиз лозим. Жавобимиз тўғри чиқиши учун эса бу неъматнинг қадрини билишимиз ва шукрини адо этишимиз керак.

Ушбу сўзлар ҳам умматга насиҳатлар жумласидандир: **«Киши умридан бир соатини ўзи яратилган мақсаддан бошқа нарсага сарфласа, узундан узоқ ҳасрат қилаверсин».**

Умр инсон зотига берилган энг азиз ва қимматбаҳо неъмат эканини унутмайлик. Умрни исроф қилиб, гуноҳга ботмайлик. Бу неъматни бу дунёда ва охиратимиз фойдасига сарфлайлик.

Вақтларнинг энг яхшиси ҳақида

Ибн Атоуллоҳ Сакандарий яна айтадиларки: «Вақтларингнинг энг яхшиси унда ўта ҳожатмандлигининг гувоҳи бўлганинг ва хорлигинг мавжудлигига қайтариладиган вақтдир».

Ул зот раҳматуллоҳи алайҳи ушбу ҳикматда инсоннинг асли Аллоҳ таолога ўта ҳожатмандлик ва хорликдан иборат бўладиган бўлса, инсон ўзининг аслини яхши англаб етган ва шу ҳолда яшаган пайти энг яхши пайти бўлиши ҳақида сўз юритмоқда.

Банда ўзининг Аллоҳ таолога ўта ҳожатмандлигига доимо гувоҳ бўлиб туриши ва хорлигининг мавжудлигига қайтиб туриши учун доимий равишда У Зотни зикр қилиб, У Зотнинг муроқабасини – кузатиб турганини ҳис қилиб яшамоғи лозим. Шу билан бирга, банда яна Аллоҳ таолога дуо қилиб, илтижо этиб ва У Зотдан умидвор бўлиб яшамоғи керак. Аллоҳ таолога бандаликнинг ҳақиқати шундан иборатдир.

Мана шу вақтларнинг энг яхшисидир.

(Тамом)

Охунжон Охунов тайёрлади.